

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АЗИМОВ БАҲРОМ БАТИРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА АЧЧИҚ ҚАЛАМПИР ЎСИМЛИГИ НАВЛАРИНИ  
ТАНЛАШ, ОПТИМАЛ ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА СХЕМАЛАРИНИ  
АНИҚЛАШ**

**06.01.06 - Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural sciences**

**Азимов Баҳром Ботирович**

Ўзбекистонда аччиқ қалампир ўсимлиги навларини танлаш, оптимал  
экиш муддатлари ва схемаларини аниқлаш..... 3

**Азимов Баҳром Батырович**

Подбор сортов, установление оптимальных сроков и схем посадки  
растений перца острого в Узбекистане..... 20

**Azimov Bakhrom Botirovich**

Selection of varieties, setting of optimal terms and schemes of hot  
pepper plants in Uzbekistan..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publication works..... 41

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АЗИМОВ БАҲРОМ БАТИРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА АЧЧИҚ ҚАЛАМПИР ЎСИМЛИГИ НАВЛАРИНИ  
ТАНЛАШ, ОПТИМАЛ ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА СХЕМАЛАРИНИ  
АНИҚЛАШ**

**06.01.06 - Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017. 2. PhD/Qx98 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (разюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Мавлянова Равза Фазлетдиновна</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Дусмуратова Саодат Исмаиловна</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  <b>Акрамов Умидилла Икрамжанович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (+99871) 260-38-60, e-mail: [tuag\\_info@edu.uz](mailto:tuag_info@edu.uz). Тошкент давлат аграр университети Маъмурий бино, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (533506-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**Я.Х.Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к/х.ф.н., доцент

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Қалампир – тропик Марказий ва Жанубий Американинг қадимги маданий ўсимлигидир. Мексика ва Гватемала унинг ватани ва турли шакллариининг марказидир. Бизнинг эрамыздан 700 йил олдин ширин қалампир ҳамда 2000 йил олдин аччиқ қалампир етиштира бошлаган. Хитой, Мексика ва Турция дунёда ишлаб чиқиладиган қалампирнинг 70% етиштирадиган асосий давлатлар ҳисобланади. 1998-2007 йилларда Европа давлатларига аччиқ қалампирнинг умумий жаҳон импортидаги улуши 43,8% бўлиб, шу жумладан Германияда - 18,9%, Англияда - 7,2%, Францияда - 6,9%, Голландияда - 4,8%, Италияда - 3,6%, Чехияда - 2,4% ташкил этади<sup>1</sup>.

Дунёда аччиқ қалампирга бўлган талаб 2000-2007 йилларда ўртача 6,6%, Европада эса 6,3% кўтарилган. Аччиқ қалампир маҳсулотининг фақат оз қисми янгилигида ишлатилади. 90 фоиздан ортиғи қайта ишлаш ва турли препаратларни, ароматизаторларни, пудра ва бошқаларни ишлаб чиқаришга сарфланади. Чунки қайта ишланганининг қиймати 3 дан то 30 баробарга ошади. Кейинги йилларда жаҳонда қалампир экинлари ҳосилдорлигини ошириш, янги навларни танлаш ва яратиш, етиштириш технологиясини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунинг учун аччиқ қалампир навлари селекцияси, экиш схемалари ва экиш муддатлари майдондаги кўчат қалинлиги долзарб илмий муаммо ҳисобланади.

Республикада сўнгги йилларда аҳолининг озиқ-овқатга хусусан, сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида сабзавотчилик тармоғида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сабзавот экинлари ва аччиқ қалампир етиштиришнинг янги инновацион технологиялари амалиётга жорий этилмоқда. Бугунги кунда республикамызда 240 минг гектар майдонда сабзавот экинлари етиштирилмоқда, шундан 8-10% қалампир экинига тўғри келади. Сабзавотларнинг ўртача ҳосилдорлиги 18-24 т/га<sup>2</sup>. Бутун дунё сингари Ўзбекистонда ҳам сабзавотлар витаминлар ва минерал тузларнинг асосий манбаи ҳисобланади ва инсоннинг озиқланишида диетик ва шифобахш хусусияти билан катта аҳамиятга эга<sup>3</sup>. Аччиқ қалампир мевасида 15-32% курук модда, 2,1-5,2% кандлар, 0,7-2,5% эфир мойлари, 0,02-1% капсаицин аниқланган; 500 мг витамин С ва 5 мг% А провитамини бор<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сон «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2520-сон «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси» 4947-ПФ «Қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва

<sup>1</sup> <https://ru.wikipedia.org>; <sup>2</sup> <http://www.agro.uz>; <sup>3</sup> <http://vsegdazdorov.net>; <sup>4</sup> <http://sadovodu.ru>.

экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27.01. 62-сонли қарори “Республикада хориж тажрибаси асосида аччиқ қалампир етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” устувор вазифаларидан бири қилиб белгиланган. Ушбу мазкур тармоққа тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларга боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда қалампир селекцияси билан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтидан А.М.Аббасов, Б.Ж.Азимов ва Е.В.Ермоловалар, Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтидан Л.Г. Колягина шуғулланишган. Қалампирларни парваришlash технологияси бўйича – Тошкент давлат аграр университетидан В.И.Зуев, Н.Н.Балашев, Г.О.Земан, М.М.Мухамедовлар, ва бошқаларнинг илмий мақолаларида акс эттирилган. Россияда қалампирлар селекцияси бўйича: Бутунроссия сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтидан В.А.Лудилов, Ф.В.Алпатыев, Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтидан Д.Д.Брежнев, Е.С.Каратаев, Санкт-Петербург қишлоқ хўжалиги институтидан В.Е.Советкина, Краснодар қишлоқ хўжалиги институтидан В.Г.С.Гикало, В.Дынько; Молдавияда: В.Г.Зеленичкин, Т.С.Ильенко Молдова Дехқончилик ва сабзавотчилик илмий-тадқиқот институтидан; Козоғистонда Т.Г.Айтбаев, Ю.И.Авдеев, Л.М.Иванова, О.И.Кигашпаева – Козоғистон Сабзавотчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтидан, Японияда К.Masushima, О.Saritnum, Y.Hanauri, R.Adach ва К.Harada, Кореяда S.V.Lee, S.V.Sim, M.W.Seo, S.W.Lim, V.B.Lee ва уларнинг ўзлари етиштириш технологияларининг айрим элементларини ишлаб чиққанлар.

Бироқ бизнинг тадқиқотларимиз бошлангунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган давлат реестрида аччиқ қалампирнинг Марғилон-330 (1950 й.) ва яримаччиқ Пикантный (1993 й.) навлари киритилган эди. Кўришиб турибдики навлар ассортименти унча кўп эмас. Шунинг учун аччиқ қалампирнинг янги навларини яратиш, катта миқдордаги нав намуналарини ўрганиш, уруғни ва кўчатларни экиш муддатларини ишлаб чиқиш, экиш схемаси ва кўчат калинлигини аниқлаш бўйича ушбу йўналишда тадқиқотларни олиб бориш зарурияти туғилди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг КХА-9-019 «Истиқболий чизикларни ажратиш ва Давлат нав синовига топшириш (2008–2010 й.й.), қимматли хўжалик белгилари ноёб бўлган сабзавот

экинларини чэт эллик гермоплазманинг асл нусхасининг мажмуасини урганиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган. ГНТП-11 бўйича “Юқорисамарадор усуллар ва воситаларни, селекция жараёнини тезлаштирувчи, қишлоқ хўжалиги экинларининг экстремал шароит муҳитига ва касалликларга чидамли, эртапишар, юқори маҳсулдор, сифатли навларни яратиш ва жорий қилиш ва замонавий илмий ютуқлар асосида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг самарали усулларини ишлаб чиқариш” (2010-2012 й.й.).

**Тадқиқотнинг мақсади:** аччиқ қалампирнинг юқори маҳсулдор навларини танлаш, мақбул экиш муддати ва схемасини ишлаб чиқиш ҳамда юқори сифатли, унувчанлиги ва униб чиқиш қуввати яхши бўлган уруғлар етиштириш учун кўчат қалинлигини таъминлайдиган тизимни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Бутунжаҳон Сабзавотчилик Марказидан келтирилган (Тайван) аччиқ қалампирнинг 15 та намуналарининг биологик, морфологик ва хўжалик хусусиятларини ўрганиш, аччиқ қалампир ҳосилдорлиги, товарбоплиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилигини аниқлаш.

янги дастлабки материалларни ўрганиб ва навларни яратиб, Давлат нав синовиға топшириш;

аччиқ қалампирнинг янги навлари ўсимлигини экиш муддати ва схемасини ҳамда оптимал кўчат қалинлиги ва жойлаштириш схемасини аниқлаш;

аччиқ қалампирнинг янги навларини турли экиш схемаларида етиштирилганда уруғ маҳсулдорлиги миқдорини белгилаш;

аччиқ қалампирнинг янги навлари уруғларининг унувчанлиги ва униш қувватини аниқлаш;

меваларининг биокимёвий таркибини таҳлил қилиш;

аччиқ қалампирда фенологик кузатувларининг вариация коэффицентини (V%) аниқлаш, аччиқ қалампир ўсимлигининг турли морфологик ва хўжалик белгиларининг корреляцион (r) боғлиқлигини аниқлаш.

аччиқ қалампирнинг хўжалик белгиларига статистик–математик ишлов бериш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бутунжаҳон Сабзавотчилик Марказидан (Тайвань) олинган аччиқ қалампирнинг 15 та намуналарининг уруғлари, кўчатлари, мевалари, ўсимлиги ва экиш схемалари хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг предмети** аччиқ қалампирнинг 15та намуналарига комплекс баҳо берилди ҳамда янги навлари Учқун, Тилларанг, Мумтоз учта оптимал экиш муддатида 4 та экиш схемалари ва кўчат қалинлигида мева ва уруғ ҳосилини олиш учун урганилди ҳамда 5 вариантда меваларнинг пишиб етилиш давомийлиги, уруғларнинг унувчанлиги ва униб чиқиш қувватига таъсири аниқланди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни олиб боришда қуйидаги услубий қўлланмалардан фойдаланилди: «Планирование полевого опыта и статистическая обработка его данных», «Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методические указания по

изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур», «Методика полевого опыта в овощеводстве и бахчеводстве», «Основы обработки данных полевых опытов методами вариационной статистики», «Методические указания по изучению перца острого».

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйдагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда маҳаллий ва интродукция қилинган аччиқ қалампирнинг турли экологик–географик гуруҳлари намуналарининг қимматли биологик, морфологик ва хўжалик белгилари ва фенологик фазаларнинг давомийлиги бўйича навлар орасида фарқлари аниқланган;

аччиқ қалампир намуналари орасидаги морфологик белгилари: туп шакли, баландлиги, диаметри, ранги, барг юзаси ўлчами, мевалари, мева уяси, уядаги уруғлар сони ва бошқа белгиларининг ўзаро фарқи аниқланган;

ўсимликнинг турли белгиларининг вариация коэффициенти ( $V, \%$ ), биометрик, хўжалик ва бошқа кўрсаткичлар намуналари бўйича ўзаро корреляцион боғлиқлиги ҳамда аччиқ қалампирнинг «Учқун», «Тилларанг» ва «Мумтоз» навлари кўрсаткичларининг корреляцион коэффициенти ( $r$ ) аниқланган;

аччиқ қалампирнинг «Учқун», «Тилларанг» ва «Мумтоз» янги навларидан товар маҳсулот ва уруғ олишда ўсимликнинг мақбул экиш схемаси аниқланган;

аччиқ қалампирнинг айрим намуналари ва технологик ишланмаларни истиқболлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

аччиқ қалампирнинг намуналари хўжалик ва бошқа белгиларининг корреляцион боғлиқлиги биринчи марта тадқиқ қилинди; аччиқ қалампир селекциясининг турли йўналишида фойдалиниш учун юқори маҳсулдор ва мевалари сифатли, тупи ихчам, касаллик ва зараркунандаларга чидамли намуналар ажратилган; озик-овқат ва уруғлик мақсадида аччиқ қалампир экинининг мақбул жойлаштириш схемаси ва кўчат қалинлиги исботланган; аччиқ қалампир меваларининг 30-40 кунда тупида пишганларидан уруғ тайёрлаш мақсадга мувофиқлиги ишлаб чиқилган.

Бизнинг тадқиқотларимиз натижасида аччиқ қалампирнинг янги яратилган “Учқун”, “Тилларанг” ва “Мумтоз” навлари районлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ўтказилган кўп йиллик дала ва лаборатория тадқиқотлари методик жиҳатдан аниқ қилинган ва ҳар йилги апробация комиссияси томонидан юқори баҳоланган.

Тадқиқотларнинг илмий ва назарий натижалари бир бирига тўғри келади. Маҳаллий ва ҳалқаро нав намуналари тажрибаларидаги қонуниятлар ва хулосалар таққосланганда бири бирига мосдир. Тадқиқотлар натижалари жорий қилинганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан № 02/220-1264 05.12.2016 й. далолатнома берилган, олинган натижаларни ишонччилигини тасдиқлайди. Шунингдек, илмий изланишларнинг натижалари ҳалқаро ва республика конференцияларида муҳокама қилиниб, ижобий баҳоланган.



### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти аччиқ қалампирнинг 15 та нав намуналарининг биокимёвий, морфологик, ўсимликларнинг хўжалик кўрсаткичларини, меваларнинг шакли, барг сатҳи, меваларнинг ўртача вазни, янги навларнинг экиш муддатлари бўйича ҳосилдорлиги, экиш схемалари ва ўсимликлар қалинлиги, экиш схемаларининг рентабеллигини ўрганишдан иборат бўлиб, барча кўрсаткичлари статистик ишловлар билан аниқланган. Ўсимликларнинг ўзаро муносабатларидаги масалаларни ўрганиш – экиш схемалари ва кўчат қалинлигини ишлаб чиқиш учун назарий асос ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамияти аччиқ қалампирнинг “Учқун”, “Тилларанг” ва “Мумтоз” янги навларини экиш майдонлари кенгайтирилган зарурияти аччиқ қалампирнинг парваришlash технологиясининг асосий элементлари - уруғни ва кўчатни экиш муддатлари, экиш схемаси ва ўсимликни экиш қалинлиги, аччиқ қалампир меваларини тупида пишиб етилиши такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда аччиқ қалампир навлари селекцияси ва етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари асосида:

чет эл намуналаридан танлов усули билан аччиқ қалампирнинг «Учқун», «Тилларанг» ва «Мумтоз» навлари яратилган ва Республика ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат Реестрига киритилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг 2016 йил 11 октябрдаги 53/4-327-сон маълумотномаси). Натижада ушбу навларни фермер, деҳқон ва шахсий томорқа хўжаликларида экилиши натижасида юқори ва сифатли аччиқ қалампир ҳосили олинмоқда;

аччиқ қалампирнинг янги «Учқун» ва «Тилларанг» навларини экиш ва етиштириш технологияси Тошкент вилояти фермер хўжаликларида 2011-2012 йилларда жами 5 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 5 декабрдаги 02/22-1264-сон маълумотномаси). Натижада иқтисодий самарадорлик «Учқун» навида гектарига ўртача 2187 минг сўм ва «Тилларанг» навида ўртача 918,7 минг сўмни ташкил этган;

аччиқ қалампир навларини экиш ва етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича яратилган ишланмалар Қорақалпоғистон Республикаси ва айрим вилоятлардаги сабзавотчилик фермер хўжаликларида жами 1069,7 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 5 декабрдаги 02/22-1264-сон маълумотномаси). Натижада аччиқ қалампирнинг янги нав намуналари, экиш схемалари асосида фермерларида юқори ҳосил олинган ва аччиқ қалампир навларидан сара уруғлари олинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва Ўсимликшунослик ИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси ижобий баҳоланган, ҳисоботлар (2008-2010 й.й.) институтнинг Илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий натижалари АЦИРО-ЦАЗнинг «Оценка перспективных сортов овощных

культур» (Тошкент, 2008-2015). Аччиқ қалампир намуналари ҳамда янги навлари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги экинларини Давлат нав синаш комиссияси томонидан (2008-2015 й.й.) апробациядан ўтган. Диссертация ишининг натижалари туғрисида Республика ва Халқаро илмий – амалий конференцияларда ахборотлар берилган: Россия – Москва (2012 й) ва с. Соленое Займише (2016 й); Козоғистон – Алматы (2008, 2009, 2013, 2016 й.й.); Ўзбекистон – Самарқанд (2009 й.) ва Тошкент (2010, 2013, 2014, 2016 й.й.).

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий мақола чоп этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола - 7 республика ва 1 хорижий журналларда нашр этилган. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан 3 янги навларга ҳаммуаллифлик туғрисида Гувоҳнома берилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.**

Диссертация таркиби: кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва муҳимлиги дунё бўйича ва Ўзбекистонда аччиқ қалампир етиштиришнинг ҳолати, диссертация ишини ИТИ режаси билан боғлиқлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар, апробациялар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида аччиқ қалампирнинг навлари ҳамда парваришlash технологиясида навларнинг муҳимлиги, ватанимиз ва чет элларда олиб борилган тадқиқотлар натижалари баён қилинган. Қалампирни очиқ далада экиш муддатлари; аччиқ қалампирни экиш схемалари ва кўчат қалинлигининг хусусиятлари; қалампирни экиш муддатлари ва экиш схемалари бўйича ватанимиз ва чет эллик олимларнинг илмий ишлари; ушбу боб якунида адабиётлар шарҳи бўйича хулосалар чиқарилган.

Диссертациянинг «**Дала тажрибаларини ўтказиш жойи, тупроқ-иқлим шароити ва тадқиқотлар услуби**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити ва тажрибалар олиб борилган услублари баён қилинган.

Тадқиқотлар Тошкент вилояти, Кибрай туманида жойлашган Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти даласида ўтказилган. Тошкент

вилояти тупроғи қадимдан суғориладиган, механик таркиби бўйича ўрта ва оғир кумок, типик бўз, сизот сувлари 20-25 м чуқурликда жойлашган.

Тошкент вилоятининг иқлим шароити – иссиқлик ва ёруғликнинг кўплиги, ёзнинг иссиқлиги ва куруқлиги, қишнинг совуқлиги; ўртача кўп йиллик ҳаво ҳарорати 13,9°C; июль ойида энг юқори ўртача суткалик ҳаво ҳарорати 27,2°C; январь ойида энг совуқ ҳаво ҳарорати - 5°C бўлиши билан характерланади. Суткалик ҳароратнинг тебраниш амплитудаси қишда 5-10°C ва ёзда 14-16°C ҳамда июл ойидаги ўртача суткалик ҳарорат 27-28°C гача етади. Бир йилда қуёшли кунларнинг давомийлиги 2692-2889 соат.

Ўртача йиллик максимал ҳарорат +36°C, абсолют максимал +43...47°C, булутсиз кунлар сони – 105-120, йиллик ёғингарчилик йиғиндиси 250-500 мм, тупроқ юзасида қорли кунлар 25-70 ва чанг-бўронли кунлар 16-24 кунни ташкил қилади. Айрим йилларда абсолют максимал ҳарорат 28-35°C пасаяди. Тупроқ юзаси ҳарорати ёзнинг иссиқ кунларида +60...65°C гача кўтарилади.

Йил давомида ҳавонинг нисбий намлиги 40-84% чегарасида тебранади, ёз ойларида 37%, кундузи иссиқ бўлган соатларда 23% пасаяди. Ўртача йиллик ёғингарчилик миқдори – 448 мм. Шундан 388 мм қишқи-баҳорги даврга ва 110 мм кам қисми ёзги-кузги ойларида тўғри келади. Июнь-август ойларидаги ўртача ойлик ёғин миқдори 3-12 мм ошмайди.

Тадқиқотлар ўтказилган йилларда метеорологик ҳолатлар қуйдагича бўлган: 2008 й ўртача кўп йиллик ҳароратга нисбатан майнинг 1 ва 2-чи декадасида 2,3-3,4°C, 3-декадасида 2,2°C юқори бўлган. 2009-2010 йилларда кўп йиллик ҳароратга нисбатан ўртача ойлик ҳарорат 1,4-2,9°C юқори бўлган.

Кўп йиллик ёғингарчилик миқдори 497,7 мм ва тадқиқотлар йиллари бўйича у 2008 й – 500,1; 2009 й – 667,8; 2010 й – 496,1 мм бўлган.

Ўртача кўп йиллик ҳавонинг нисбий намлиги 43-63% орасида тебранган бўлиб, тадқиқот йиллари бўйича: 2008 й – 85-50%, 2009 й – 77-48%, 2010 й – 84-53%, апрел-октябр ойларида ўртача кўп йиллик ҳаво нисбий намлиги 60-42% бўлган. Умуман олганда тадқиқот йилларидаги (2008-2010 й.й.) об-ҳаво шароити кўчат экиш, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, аччиқ қалампирнинг ҳосилларини йиғиштириш учун қулай бўлган.

Дала ва лаборатория тажрибаларини ўтказишда қуйидаги методик кўрсатмалар, тавсияномалар ва технологик карталардан фойдаланилган: «Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методические указания ВИР по изучению мировой коллекции перца», «Рекомендации по интенсивной технологии выращивания овощных культур», «Методические указания по изучению перца острого»; «Статистический анализ экспериментальных данных по методике» Доспехова Б.А. Институтнинг биокимё лабораториясида қўлланиладиган методикадан фойдаланиб, маҳсулотнинг сифатига баҳо берилди (Ермаков А.И. и др. 1972), «Методика полевого опыта в овощеводстве и бахчеводстве», Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан чоп этилган «Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар» (2011) дан фойдаланилиб дала тажрибалари натижаларининг иқтисодий самарадорлиги аниқланди.


Диссертациянинг «Аччиқ қалампир намуналарини комплекс ўрганиш» деб номланган учинчи бобида Бутунжаҳон Сабзавотчилик Марказидан (Тайван) келтирилган 15 намуналарга стандарт (st) қилиб Ўзбекистонда 1950 йилда районлаштирилган Марғилон-330 (М-330) нави олинди. Ўрганилган намуналарда ўсимлик бўйи жуда паст ва жуда баланд чиқмади. 11 та намуналарнинг бўйи 35-55 см. Стандарт М-330, 0337-7069, 9955-15, 0407-7564, РВС 142, 9950-5197, 0437-7509 ўсимликларининг баландлиги 55-72 см бўлиб, улар баланд бўйли гуруҳга киритилди.

Стандарт навида баргпоя массасининг ҳосил массасига нисбати 4,5 ташкил этди. Нисбатан жуда паст кўрсаткич РР9852-173 (33,3%), РР9955-15 (20,0%), 9852-173 (8,9%) ва 0407-7567 (42,2%) намуналарда бўлган. Юқори кўрсаткич 0407-7538 (124,4%)да ва жуда юқори 9955-15 (191,1%) ва 0337-7069 (164,4%) қайд этилган.

Ўрганилган намуналар ичида майда (4 смдан кам) мевалилари бўлмаган. 12 та намуналар мевасининг узунаси 8-13см бўлиб, ўртача гуруҳга киритилди. Стандарт М-330да мева узунлиги 19,0см, ва унга нисбатан узун (22,8-25,3см) мевали гуруҳга 9955-15 ва 0337-7069 намуналар мансуб бўлди. Бир ўсимликдаги товар мева сони стандартда 34 дона бўлган. Ушбу белги бўйича юқори кўрсаткич 9950-5197 (47 дона), 0437-7509 (71), 0437-7510 (70), 0337-7069 намунада 48 дона бўлган. Ҳосил М-330да 2,6 кг/м<sup>2</sup> ва унга нисбатан кўп ҳосилдорлик 9955-15 ва 0337-7069 намуналарида бўлган. Кўпчилик намуналарнинг ҳосилдорлиги анча паст бўлган.

Аччиқ қалампир мевалари биологик етилганда стандарт навда аскорбин кислота миқдори 84.1 мг% ва унга нисбатан юқори кўрсаткич: 0437-7506 (125,6%), 0437-7567 (131,0%), 9852-173 (159,3%), РВС 142 намунада 145,2% кўп бўлди. Стандарт навда қуруқ модда миқдори 7,24% ва унга яқин (92,1-103,3%) кўрсаткич 6 та намуналарда кузатилган. Аччиқ қалампир меваси таркибида умумий қанд М-330да 2,7% ва 0438-8543-3, 0038-9155-5-1 ва 0407-7538 намуналарида 15,6-19.3% юқори бўлган.

Ишлаб чиқариш рентабеллиги М-330да 68.3% ва бошқа намуналарда 81,5-107,4% орасида бўлиб ҳамда 1 тонна маҳсулотни таннархи 110,2-96,4 минг сўмни ташкил қилган (1 ва 2 - расмлар).



■ Техник етилиши ■ биологик етилиши  
**1-расм. Аччиқ қалампир намуналари техник ва биологик пишган меваларининг ўртача вазни, г.**



■ Урожайность, г  
**2-расм. Аччиқ қалампир турли намуналарининг ҳосилдорлиги, 2008-2010г.г.**

Бизнинг тажрибамиз асосида яратилган янги навлар Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига 2009 й – Учқун (0337-7069), 2010 – Тилларанг (9955-15) ва 2013 йилда Мумтоз (0407-7567) киритилди.

Диссертациянинг «**Аччиқ қалампирнинг турли навлари кўчатларини экиш муддати ва схемалари**» деб номланган тўртинчи бобида М-330; Учқун ва Тилларанг навларида 70x20, 70x30 назорат, 70x40 ва 70x50 см экиш схемалари ва 3 та экиш муддатлари – 28.04, 8.05 ва 18.05 ўрганилди.

Экиш схемасининг ниҳоллар униб чиқиши ва гуллашига таъсири бўлмади. Меваларнинг техник ва биологик етилишига қатордаги кўчатлар ораси 40-50 см га кенгайтирилганда ушбу фазалар назорат навида 3-5 кунга, Учқун навида 1-2 ва Тилларанг навида 2-3 кунгача кечикди. Ўрганилган барча

навлар ва экиш схемаларида биринчи экиш муддатидан кейингиларига ўсимлик баландлигининг ўртача кўрсаткичи: М-330 – 44,7 дан то 41.8см гача, Учқун навида 38,7-37,5 см ва Тилларанг навида 39,1-37,3 см гача камайган.


Биринчи экиш муддатидан 3 муддатгача барча навларда ўсимликдаги барглар сатҳи камайган; 70x20 см экиш схемасидан 70x50 см схемасигача ўсимликнинг гуллаш фазасидан биологик етилиш фазасигача барглар майдони ошиб борган.

Аччиқ қалампир экинида гектардаги ҳосилдорлик фақат товар мева вазнига боғлиқ бўлмасдан, балки ўсимликдаги уларнинг сонига ҳам боғлиқ. Бизнинг маълумотимиз бўйича ўрганилган барча навларда ўсимликдаги мевалар сони 1-экиш муддатидан 2-экиш муддатигача турғун ошиб борган ҳамда 2-муддатдан 3-гача бирмунча камайган. Унинг кўрсаткичлари 1-экиш муддатидан ҳам кам бўлган.

Биз бошқа қонуниятини ҳам аниқладик. Ўрганилган барча навлар ва экиш муддатларида 70x20 см экиш схемасидан 70x50 см гача ўсимликдаги мевалар сони ошиб борган. 2-экиш муддатида ҳосилнинг 2-теримида Марғилон-330 да 136,8%, Учқун навида – 130,4% ва Тилларанг навида 121,8% юқори бўлган.

Марғилон-330 навида 1-экиш муддатидан 2-сигача меваларнинг ўртача вазни 17,3% га ошган, 3-экиш муддатида уларнинг кўрсаткичи 1-муддатга нисбатан 4,3% га камайган ҳамда 2-экиш муддатига нисбатан 22,4% кам бўлган. Унга нисбатан бошқа вариантлар кўрсаткичи 14,0%, 22,3% ва 34,7% юқори бўлган.

Марғилон-330 нави битта ўсимликдаги барча вариантларда 1-экиш муддатидан 2-гача ҳосилдорлиги ошган ва 3-экиш муддати кўрсаткичи 1-ва 2-экиш муддатлариникидан кам бўлган. Барча экиш схемалари ҳосилдорлигининг ўртача кўрсаткичи 1-экиш муддати 1-теримда 220 г, 2-298 г ва тупдаги 3-203 г бўлган. 1-экиш муддатига нисбатан 2-экиш муддатида тупдаги ҳосилдорлик 135,5% ва 3-муддатдагиси 92,3% ташкил қилган. 2-экиш муддати ҳосилдорлиги 3 муддатга нисбатан 146,8% га ортиқ бўлган (3-расм).



1-ва 2-ҳосилнинг терими бўйича Марғилон-330 нави товар мевалари фоизни корреляцион боғлиқлиги кучли ( $r=0,96\pm 0,08$ ) бўлган. Ушбу маълумотлар бўйича Учқун нави корреляцион кўрсаткичи кучли бўлган

( $r=0,98\pm 0,06$ ), Тилларанг навида ҳам корреляция боғлиқлиги кучли бўлган ( $r=0,99\pm 0,05$ ).

Уч омилли математик ишловнинг натижалари кўрсатишича, ҳосилнинг 1-теримида А ва В омиллари учун ва АВ ўзаро таъсири 5% ЭКМТда 0,085 т ва ҳосилнинг 2-теримида 0,72 т бўлган. С омили учун АС, ВС ва АВС ларни ўзаро таъсирида уларнинг аҳамияти мос равишда 0,10 ва 0,84т ни ташкил қилган. Омилларни ( $F_{\phi} > F_{05}$ ) 5% даражадаги аҳамиятининг таъсири ва ўзаро таъсири исботланган деса бўлади.

Ҳамма экиш муддатларида ва барча экиш схемаларида бир гектарга кетган харажат энг қам 70x50 см (2355,7-2554,8 минг сўм) схемада ва энг кўп 70x20 см (2660,7-3041,2 минг сўм) экиш схемасида кузатилган.

Аччиқ қалампир ҳосилдорлиги ошиши билан гектардаги соф даромад юқори бўлган ва 1 т маҳсулот таннархи пасайган. Ҳамма навларда ва экиш схемаларида энг кам ижобий кўрсаткич кўчат 70x40см ва 70x50см схемада экилганда, кўчатлар нархи ва етиштириш харажатлари камайиши ҳисобига бўлган.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижаларини жорий қилиш» деб номланган бўлимида янги қалампир навлари, экиш муддатлари ва экиш схемаларини жорий қилинган ишлар келтирилган.

1. Аччиқ қалампирнинг янги навлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат Реестрига киритилди: Учқун нави (буйруқ 25.12.2007й №283), Тилларанг 2008й., (буйруқ №289, (п.196)) ва Мумтоз нави (буйруқ 19.12.2013 й. № 538).

2. 2009-2015 йилларда Учқун нави 35 гектарга экилган ва ҳосилдорлиги 18,5-24,4 т/га, Тилларанг нави 2010-2015 йилларда 983,3 га майдонга экилган ва ҳосилдорлиги 18,0-33,3 т/га, Мумтоз нави 2014-2015 йилларда 51,4 га майдонга экилган ва ҳосилдорлиги 15,0-26,7 т/га бўлган. Ушбу навлардан олинган иқтисодий самарадорлик 2,5-3,3 млн.сўм/га ни ташкил этган.

3. Навлар, экиш муддати ва экиш схемаларини жорий қилиш. Минтақаларга қараб аччиқ қалампирларнинг янги навлари апрел ойининг охиридан 12 майгача экилган. Яхши ўғитланган ерларда 70x40 см ва кучли тупроқда 70x50 см экилган. Навлар, экиш муддати ва экиш схемаларидан олинган иқтисодий самарадорлик 3,4-5,6 млн.сўм/га ташкил этди.

Республика вилоятлари бўйича аччиқ қалампир навлари ва экиш схемаларини жорий қилиш актлари диссертациянинг иловаларида келтирилган.

**Аччиқ қалампир навларини уруғ маҳсулотининг сифатига экиш схемаларининг таъсири** деб номланган бўлимида аччиқ қалампир уруғчилиги бўйича тадқиқотлар натижалари баён қилинган.

Аччиқ қалампирнинг Марғилон-330, Учқун ва Тилларанг навларида 70x20, 70x30 назорат, 70x40 ва 70x50 см экиш схемаларининг уруғликка таъсири ўрганилди. Биринчи экиш схемасидан кейингиларига қараб тупдан уруғнинг чиқиши ошиб борди. Ўсимликни жойлаштириш схемаси уруғнинг униб чиқиш сифатига таъсирини кўрсатди. Уруғнинг униб чиқиш қуввати назорат варианты Марғилон-330 навида 44% бўлган ва унга нисбатан 70x20 см экиш схемасида 9,1% кам бўлган. Майдондаги ўсимликлар сони 47,6 минг/га

дан то 28,6 минггача камайганда, уруғнинг униб чиқиш қуввати 9,1% ва 18,2%га ошган. 70x20 см экиш схемасида униб чиқиш қуввати 40% бўлган ва 3-4 вариантларда унга нисбатан 120,0 ва 130,0% кўп бўлган.

Учқун навида 70x20 см экиш схемасидан 70x50 см гача уруғнинг униб чиқиш қуввати 48% дан то 56% ошган ва улар орасидаги фарқ 16,7% бўлган ҳамда бошқа вариантларга нисбатан назорат ва 4 вариант фойдасига 8,3% га кўп бўлган.

Назорат вариантыда Тилларанг навида униб чиқиш қуввати 64% бўлиб биринчи вариантда 6,2% кам бўлган, 3 ва 4 вариантларда – 6,3% кўп бўлган. Ушбу белги бўйича 1- ва бошқа вариантларининг фарқи кейинги вариантлар фойдасига 13,3% юқори бўлган (1-жадвал)

1-жадвал

**Аччиқ қалампирнинг турли навлари уруғларининг униб чиқиш қуввати ва унувчанлигининг турли экиш схемасига боғлиқлиги, 2009 – 2013 гг.**

Навлар ва экиш схемаси, см	Уруғларнинг униб чиқиш энергияси		Уруғларнинг унувчанлиги	
	%	назоратга нисбатан %	%	назоратга нисбатан %
<b>М-330</b>				
70x20	40	90,9	56	93,3
70x30 назорат	44	100,0	60	100,0
70x40	48	109,1	60	100,0
70x50	52	118,2	64	106,7
<b>ўртача</b>	<b>46</b>	<b>104,5</b>	<b>60</b>	<b>100,0</b>
<b>Учқун</b>				
70x20	48	92,3	68	94,4
70x30 назорат	52	100,0	72	100,0
70x40	52	100,0	76	105,6
70x50	56	107,7	80	111,1
<b>ўртача</b>	<b>52</b>	<b>100,0</b>	<b>74</b>	<b>102,8</b>
<b>Тилларанг</b>				
70x20	60	93,8	76	90,5
70x30 назорат	64	100,0	84	100,0
70x40	68	106,3	84	100,0
70x50	68	106,3	88	104,8
<b>ўртача</b>	<b>65</b>	<b>101,6</b>	<b>83</b>	<b>98,8</b>

Уруғларнинг униб чиқиш қувватига қараганда, уруғларнинг унувчанлиги барча навларда ва экиш схемаларида юқори бўлган. Марғилон-330 навида назорат ва 3 вариантда уруғнинг унувчанлиги бир хил 60% бўлган ва уларга нисбатан 70x20 см экиш схемасининг кўрсаткичи 6,7% кам ва 4 вариантники 6,7% кўп бўлган.

Учқун навининг назорат вариантыда уруғлар унувчанлиги 72% бўлган ва кўчат сони 71,4 минг/га кўпайганда, уруғлар унувчанлиги 5,6% камайган. Назорат вариантыга нисбатан уруғ унувчанлиги 3- ва 4-вариантларда 5,6 ва 11,1% га юқори бўлган. 70x20 см, 70x40 ва 70x50 см экиш схемаларидаги фарқ кейинги схемалар фойдасига 11,8 ва 17,6% га кўп бўлган.



Экиш схемалари бўйича уруғ унувчанлиги Тилларанг навида 76% - 88% орасида бўлиб улар орасидаги фарқ 15,8% бўлган. Назорат ва 4- вариантда уруғлар унувчанлиги бир хил бўлган (84%) ва 1-вариантдан 9,5% кўп ҳамда 4-вариантга нисбатан 4,8% кам бўлган.

Уруғларнинг униб чиқиш энергияси билан унувчанлиги орасида тўғри боғлиқлик топилди. Ушбу белгилар орасидаги корреляция коэффиценти боғлиқлиги даражаси тўғри корреляция учун кучли бўлган ( $r=\pm 0,93+0,10$ ).

Аччиқ қалампирнинг турли навлари учун ўтган йиллардаги тадқиқотларда оптимал экиш схемаси ишланган эди. Уруғлик меваларнинг ёшини ўрганиш учун 70x40 см экиш схемасини олдик. Уруғлик меваларни оптимал ёшини аниқлаш учун белгиланган қатордаги меваларнинг ярми қизарган кун ҳисобидан бошланади. Ҳисоблаш учун 10 тадан ўсимлик 4 қайтариқдан олинган. 10, 20, 30, 40 ва 50 кунлик уруғлик мевалар ёши ўрганилди.

Жами 3та навадан 600 та ўсимлик ўрганилди.

Пастки жадвалда аччиқ қалампирнинг турли навлари уруғлик мевалари ёшига боғлиқлик ҳолда уруғнинг унувчанлиги ва ўниш қувватининг натижалари келтирилган (2-жадвал)

2-жадвал

**Аччиқ қалампир уруғлик меваларининг ёшига уруғларнинг унувчанлиги ва униб чиқиш қувватининг тобелиги, 2013-2015 й.й.**

Уруғлик меваларнинг ёши, кун	70x40см экиш схемаси ва аччиқ қалампир навлари					
	Учкун		Тилларанг		Мумтоз	
	уруғларнинг унувчанлиги	униб чиқиш қуввати	уруғларнинг унувчанлиги	униб чиқиш қуввати	уруғларнинг унувчанлиги	униб чиқиш қуввати
10	33,5	12,5	35,5	13,5	35,5	15,8
20	52,5	43,0	52,5	47,0	57,3	45,5
30	63,5	56,5	69,5	60,3	67,0	59,5
40	68,5	64,0	78,0	69,5	75,5	63,8
50	63,5	53,0	65,5	56,0	64,3	53,5
х	56,3	45,8	60,2	49,3	59,9	47,6

Ўрганилган барча навларда 10 кундан 40 кунгача бўлган уруғли меваларда уруғлар унувчанлиги ва униб чиқиш қуввати ошиб борган, кейин 50 кунлигида ушбу кўрсаткичлар камайган. Учкун навида 40 кунлик мевада уруғлар унувчанлиги 68,5% бўлган, униб чиқиш қуввати 64,0%. Шунга ўхшаш кўрсаткичлар Тилларанг навида мос равишда 78,0% ва 69,5%, Мумтоз навида - 75,5 ва 63,8% қайд этилди.

20 кунлик уруғли меваларда уруғлар унувчанлиги 52,5% дан 57,3% гача бўлиб, 30 кунлик меваларда униб чиқиш қуввати 56,5% дан 60,3% ўзгарган. Илгари аччиқ қалампир уруғларининг унувчанлиги паст ва у 35-40% дан ошмайди деган фикр бўлган. Ушбу фикрларнинг нотўғрилигини бизнинг тадқиқотлар кўрсатди. Уруғлар унувчанлиги 75,5% дан 78,0% гача, униб чиқиш қуввати 64,0% дан 69,5% гача бўлган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Аччиқ қалампирнинг Жаҳон коллекциясининг 15 та нав намуналари илк бор комплекс ўрганилди. Белгилаш керакки, ўрганилган намуналар ичида ўсимлик бўйи жуда паст ва жуда баланд намуналар чиқмади. 11 та намуналар бўйи 35-55 см бўлган. Стандарт М-330, 0337-7069, 9955-15, 0407-7564, РСВ 142, 9950-5197, 0437-7509 ўсимликларнинг баландлиги 55-72 см бўлиб, улар баланд бўйли гуруҳга киритилди.

Ўрганилган намуналар ичида майда, узунаси 4 см дан кам мевали намуналар бўлмаган. 12 та намуналар мевасининг узунаси 8-13 см бўлиб, ўртача гуруҳга киритилди. Стандарт М-330да мева узунлиги 19,0 см, ва унга нисбатан узун (22,8-25,3 см) мевали гуруҳга мавжуд классификация бўйича 9955-15 ва 0337-7069 намуналари мансуб бўлди.

Бир ўсимликдаги товар мева сони стандартда 34 дона бўлган. Ушбу белги бўйича юқори кўрсаткич 9950-5197 (47 дона), 0437-7509 (71), 0437-7510 (70), 0337-7069 48 дона бўлган. Бир тупдаги ҳосили М-330да 731 г ва унга нисбатан ишончли кўп ҳосилдорлик 9955-15 ва 0337-7069 намуналарида бўлган.

Бизнинг тажрибаларимиз асосида селекция йўли билан танлаб олинган аччиқ қалампирнинг янги навлари Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига 2009 йилда – Учқун, 2010 йилда – Тилларанг ва Мумтоз 2013 йилда киритилди.

2. Аччиқ қалампир селекциясида кейинчалик фойдаланиш учун 0437-7506, 0437-7510, 0038-91-55-5-1 ва РР0337-7069 нав намуналари биологик, морфологик ва хўжалик белгилари бўйича ажралиб чиққанликлари учун уларни чуқурроқ ўрганиш руйхатига киритиш керак.

3. Биз экиш муддати ва экиш схемаси тажрибасида иккинчи экиш муддатида, 08 майдан то 15 майгача, ўсимлик ҳосилдорлиги ҳамма навларда кўпроқ шаклланганини исботладик. Ҳосилнинг биринчи терими барча экиш схемасида ўртача ҳосилдорликнинг фарқи иккинчи экиш муддатида (8 май) биринчи (28 апрел) ва учинчи (18 май) муддатларига нисбатан стандарт М-330 да 135,5 ва 146,8%, 2 – экиш муддатида тупдаги ҳосилдорлик 1-экиш муддатига нисбатан 135,5%, 3 – муддатники 92,3% бўлган. 2-экиш муддати ҳосилдорлиги 3-муддатникидан 146,8% юқори бўлган.

4. Таъкидлаш зарурки, аччиқ қалампир экиш схемаси уруғчилигининг иқтисодий самарадорлигида гектардаги кўчат сони 71,4 мингтагача ошганда, уруғ ҳосилдорлиги Учқун навида 33,3%; Тилларанг навида 29,7% ва Мумтоз навида 37,2% ошган. Назорат (70x30 см) экиш схемасига нисбатан 70x20 см да бир гектардаги уруғ нархи ва соф даромад Учқун навида 66,1%, Тилларанг навида 78,6% ва Мумтоз навида 2,0 баробар юқори бўлган. 70x20 см экиш схемасида уруғнинг таннархи паст бўлган ҳамда рентабеллик даражаси Учқун навида 73,5%, Тилларанг навида 86,9% ва Мумтоз навида 60,7% бўлган. Навлар ва экиш схемаларини жорий қилишдан олинган шартли соф даромад навлар бўйича мос равишда ҳар гектардан – 3071, 3503 ва 2896 минг сўмни ташкил этди.

5. Чэт элда, тропик регионларда (Тайван) яратилган намуналарнинг Марказий Осиё тупроқ-иқлим шароитига мослашганлиги, селекция учун юқори

куч-қудрат (потенциал) қимматли хўжалик белгилари сақланиб қолганлигини бизнинг тадқиқотларимиз натижалари Capsicum annuum L. турининг экологик эгилувчанлигини исботлади. Келажакда аччиқ қалампирнинг янги навларини яратиш учун Осиёнинг жанубий-шарқидан янги гермоплазмаларни жалб қилишнинг зарурияти назарий жиҳатдан тасдиқланди.

**Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқаришга куйидаги тавсиялар берилди:**

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига қиритилган аччиқ қалампирнинг янги Учқун, Тилларанг, Мумтоз навларини экиб, фойдаланиш ҳамда уларнинг кўчатларини 8-15 май орасида экиш тавсия этилади.

- Аччиқ қалампирнинг Учқун, Тилларанг, Мумтоз, Марғилон-330 навларига 70x40 см ва 70x50 см экиш схемаларини қўллаш иқтисодий самарадорликни анча оширади. 70x20 см экиш схемасида мевадаги пуч уруғлар сони ошган.

- Қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасаларидаги “Сабзавотчилик” ўқув китобларига аччиқ қалампирнинг Учқун, Тилларанг ва Мумтоз янги навларини ҳамда уларни экиш муддатлари ва экиш схемалари тўғрисидаги маълумотларни киритиш зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И АНДИЖАНСКОМ  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ РАСТЕНИЕВОДСТВА**

**АЗИМОВ БАХРОМ БАТЫРОВИЧ**

**ПОДБОР СОРТОВ, УСТАНОВЛЕНИЕ ОПТИМАЛЬНЫХ СРОКОВ И  
СХЕМ ПОСАДКИ РАСТЕНИЙ ПЕРЦА ОСТРОГО  
В УЗБЕКИСТАНЕ**

**06.01.06 – Овощеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан В 2017. 2. PhD/Qx98**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте растениеводства

Автореферат диссертации написан на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) и размещен на веб-странице научного совета по адресу [www.agrar.uz](http://www.agrar.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Научный руководитель**

**Мавлянова Равза Фазлетдиновна**  
доктор сельскохозяйственных наук,  
старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:**

**Дусмуратова Саодат Исмаиловна**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Акрамов Умидилла Икрамжанович**  
кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Научно-исследовательский институт овоще-  
бахчевых культур и картофеля**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте по адресу: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (+99871) 260-38-60, e-mail: [tuag\\_info@edu.uz](mailto:tuag_info@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, конференционный зал.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 533506). Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел. факс: (+99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года).

**Б.А.Сулаймонов**

Председатель научного совета по  
присуждению учёной степени, д.б.н.,  
академик

**Я.Х.Юлдашов**

Ученый секретарь совета по  
присуждению учёной степени,  
к.с/х.н., доцент

**М.М.Адиллов**

Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
учёной степени, д.с.х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы исследований.** Перец – древнее культурное растение тропической Центральной и Южной Америки. Родина и центр разнообразия форм находятся в Мексике и Гватемале. Возделывание овощного перца началось за 700 лет до н.э., а острого, так называемого стручкового, за 2000 лет до н.э. Основными производителями перца острого в мире являются Китай, Мексика и Турция, которые производят более 70% его мирового производства. Доля от общего мирового импорта перца острого за 1998 – 2007 г.г в европейских странах составила 43,8%, в том числе: в Германии – 18,9%, Англии – 7,2%, Франции – 6,9%, Нидерландах – 4,8%, Италии – 3,6%, Чехии<sup>1</sup> – 2,4%.

Мировой спрос на перец острый за 2000 – 2007 г.г. ежегодно возрастал в среднем на 6,6%, а в Европе – на 6,3%. Только небольшая часть продукции острого перца используется в свежем виде. Более 90% идёт на переработку и производства различных препаратов, ароматизаторов, пудры и прочего, так как ценность от переработки возрастает от 3 до 30 раз. В последнее время во всем мире пристальное внимание уделяется повышению урожайности перца острого, подбору и созданию новых сортов, усовершенствованию технологий их возделывания. Поэтому тема исследований и научных разработок по подбору и созданию сортов, совершенствованию технологии выращивания плодов перца острого, а также густота стояния, являются актуальной научной проблемой.

В целях обеспечения населения продуктами питания и, в частности овощами, в республике проводятся широкомасштабные мероприятия. Внедряются новые инновационные технологии по выращиванию овощей и перца острого. Сегодня в республике овощными культурами занято 240 тысяч гектаров земли, из них 8-10% приходится на перцы. Средняя урожайность овощных культур составляет 18-24 тонн с гектара<sup>2</sup>. В Узбекистане, как и во всем мире, овощи являются одним из основных источников витаминов и минеральных солей, они имеют большое значение в диетическом и лечебном питании человека<sup>3</sup>. В плодах перца острого содержится 15-32% сухих веществ, 2,1–5,2% сахаров, 0,7–2,5% эфирных масел, 0,02-1% алкалоида капсаицина, до 500 мг витамина С и до 5 мг провитамина А<sup>4</sup>.

Данное диссертационное исследование служит для выполнения задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 26.01.2009 года за № ПП-1047 «О дополнительных мерах по расширению производства продовольственных товаров и насыщению внутреннего рынка», от 12.04.2016 года за № ПП-2520 «О мерах по совершенствованию системы закупок в использовании плодоовощной продукции, картофеля и бахчевых культур». Указ от 7 февраля 2017 года №: УК – 4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» на 2017 – 2021 годы

---

<sup>1</sup> <https://ru.wikipedia.org>; <sup>2</sup> <http://www.agro.uz>; <sup>3</sup> <http://vsegdazdorov.net>; <sup>4</sup> <http://sadvodu.ru>.

определены важнейшие задачи «... в области сельского хозяйства, в качестве стратегических задач предусматривается оптимизация посевных площадей и состава культур, внедрение передовых агротехнологий, а также повышение урожайности, увеличение объемов производства плодоовощных культур и винограда», Постановление Кабинета Министров Республике Узбекистан № 62 от 27.01.2018 г. «О мерах по увеличению посева горького перца в республике, на основе зарубежного опыта». Эти задачи определены также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** В Узбекистане селекционной работой перца в основном занимались в Научно-исследовательском институте овощебахчевых культур и картофеля А.М.Аббасов, Б.Ж.Азимов, Е.В.Ермолова, в Научно-исследовательском институте Растениеводства Л.Г.Колягина. Технологии выращивания перца отражены в научных трудах сотрудников Ташкентского Аграрного университета В.И.Зуева, Н.Н.Балашова, Г.О.Земан, М.М.Мухамедова и других. В России селекционной работой перца острого занимались В.А.Лудиллов, А.В.Алпатьев – Всероссийский НИИ овощеводства, селекции и семеноводства, во Всероссийском НИИ Растениеводства – Д.Д.Брежнев, Е.С.Каротаев, в Санкт-Петербургском сельскохозяйственном институте – В.Е.Советкина, в Краснодарском сельскохозяйственном институте – Г.С.Гикало и В.Дынько; в Молдавии – В.С.Зеленичкин и Т.С.Ильенко из Молдавского НИИ Земледелия и овощеводства; в Казахстане – Т.Г.Айтбаев, Ю.И. Авдеев, Л.М.Иванова, О.И.Кигашпаева из Казахского НИИ Овощеводства и картофеля, в Японии К.Masushima, O.Saritnum, Y.Hanauri, R.Adach и K.Narada, в Корее – S.V.Lee, S.V.Sim, M.W.Seo, S.W.Lim, V.B.Lee и они же разрабатывали отдельные элементы технологии возделывания перца.

Однако до начала наших исследований в Государственном реестре Республики Узбекистан был зарегистрирован один сорт перца острого Маргеланский-330 (1950 г.) и полуострый сорт Пикантный (1993 г.). Как видно, ассортимент сортов не богат. Поэтому возникла необходимость проведения исследований в данном направлении для выведения новых сортов перца острого путем изучения большой коллекции образцов, разработки сроков посева и посадки рассады, схем посадки и густоты стояния растений этих культур.

